

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВА НОДИРА ТАИРОВНА

**COVID – 19 БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ГИНГИВИТ ПРОФИЛАКТИКАСИ
ВА ТЕРАПИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Бабаджанова Нодира Таировна

COVID – 19 бўлган болаларда гингивит

профилактикаси ва терапиясини такомиллаштириш3

Бабаджанова Нодира Таировна

Профилактика и совершенствование терапии

гингивита у детей, перенёсших COVID-1927

Babadjanova Nodira Tairovna

Prevention and improvement of therapy of gingivitis in children

with COVID–19.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works60

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВА НОДИРА ТАИРОВНА

**COVID – 19 БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ГИНГИВИТ ПРОФИЛАКТИКАСИ
ВА ТЕРАПИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2024

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib4792 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.sammi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим тармоғининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бекжонова Ольга Есеновна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Гилёва Ольга Сергеевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	С.Д.Асфендияров номидаги Қозоқ миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси 2024 йил “_____” _____ соат _____ соат DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 Самарқанд Давлат тиббиёт университетида (Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, ш. 18А Тел./ факс: (+99866) 233-71-75; samgmi@mail.ru);

Диссертация (ПхД) билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида (№ _____ билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18А. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: (+99866) 233-71-75; электрон почта: samgmi@mail.ru.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т. Насретдинова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти) ташкилоти маълумотларига кўра «... Дунёда 6–12 ёшдаги болаларнинг 80%и ва 14–15 ёшдаги болаларнинг 100% ида гингивит аниқланади. Сурункали катарал гингивит (80–85%) ва сурункали гипертрофик гингивит (10–15%) касалликнинг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади»¹. Коронавируснинг оғир ўткир респиратор синдроми 2 (SARS-CoV-2) инфекцияси 2020 йилда пандемияга айланди ва 2022 йил март ойига келиб бутун дунё бўйлаб 479 миллиондан ортиқ касалланиш ҳолатлари ҳамда 6 миллион инсоннинг ўлимга сабаб бўлди. Инфекцияланган одамларда соғайишдан сўнг узок муддатли симптомлар кузатилганлиги маълум. Ҳозирги вақтда катталар ва болаларда постковид синдроми деб аталадиган клиник ҳолат тан олинган. SARS-CoV-2 инфекциясини бошдан кечирган одамларда постковид ҳолати юзага келиши мумкин ва бу симптомлар ёшларнинг жисмоний, ижтимоий ва рухий фаровонлигини пасайтиради (Guo CX,2020; Liu W2020 Lu X,2020).

COVID – 19 билан оғриган болаларда кўплаб патофизиологик жараёнларнинг бузилишлари аниқлангани исботланган. Бу бузилишлар узок муддатли симптомлар ва синдромларнинг кенг кўламида намоён бўлади. Улар кўпинча ўткир касалликнинг оғирлигига боғлиқ бўлмайди ва шу сабабли этибордан четда қолиб, мутахассислар томонидан ташхис қўйилмайди (Blomberg B, 2021). Муҳими шундаки, болаларда COVID-19 дан кейинги ҳолатнинг оғирлиги ва барқарорлиги SARS-CoV-2 дан бошқа инфекцияларга нисбатан яққолроқ ифодаланган. Бу эса унинг болалардаги пародонт патологиясига таъсирини баҳолаш зарурлигини кўрсатади (Roge I, 2021).

Мамлакатимизда болалар орасида пародонт яллиғланиш касалликларининг тарқалиши юқори бўлиб, кичик мактаб ёшидаги болаларда 31,11 - 38,29% га етади (Даминова Ш.Б. 2019; Ҳайдаров А.М. 2017). COVID-19 дан кейинги энг кўп учрайдиган асоратларга пародонт тўқималари касалликлари киради ва SARS-CoV-2 инфекцияси пародонт патологияси ривожланишининг хавф омилларидан бири саналади (Fernandes Matuck B, 2020 Koticha PB, 2020). Бироқ, COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликлари, жумладан пародонт патологияси, асосан касалхонага ётқизилган катта ёшли беморлар орасида ўрганилган (Tenforde MW, 2020; Nehme M, 2021). Айрим нашрлар COVID-19 касаллиги ва ўзини ўзи изоляция қилиш даврида болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатини ёритади, шунингдек, COVID-19 билан касалланган болаларнинг оғиз бўшлиғи касалликларини даволашда стоматологлар қўллайдиган усуллар тавсифланади. Шу муносабат билан «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностиканинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали даволаниш....» аниқланди². Ушбу вазифаларни

¹World Health Organization

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-декабридаги № ПФ-5590 «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси» тўғрисидаги фармони.

бажаришда кичик мактаб ёшидаги болаларда SARS-CoV-2 инфекциясини бошдан ўтказгандан сўнг гингивит касаллигининг индивидуал хавфини баҳолаш ва хавф омиллари ҳамда унинг ривожланишининг патогенетик механизмларини инобатга олган ҳолда даволаш усулини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПҚ–60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларда ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 3 апрелдаги ПФ–5978-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ–630-сон «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Илмий тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг прогрессив платформасида далилларга таянган тиббиёт талабларига мос ҳолда, VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стоматология нуқтаи назаридан, гингивит болалар ва ўсмирларда пародонт касаллигининг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, болаларнинг кўпчилигида милкларнинг яллиғланиш белгилари ва симптомлари кузатилади [The World Oral, 2015]. Кичик ёшдаги болаларда гингивитнинг ривожланиши оғир патологик жараённинг ривожланишига олиб қелади. Пародонтнинг яллиғланиш патологияси тарқалганлик даражаси Ўзбекистондаги болалар орасида ҳам юқори бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар орасида 31,11–38,29% га етади (Даминова Ш.Б. 2019; Хайдаров А.М. 2017). COVID – 19 дан кейинги энг кўп учрайдиган асоратлар сирасига парадонт тўқималарининг яллиғланиши ҳам киради, бошдан кечирилган SARS-CoV-2 инфекцияси эса парадонт паталогияси оивожланиш хавф омилларидан бири ҳисобланади (Fernandes Matuck B., 2020; Koticha P.B., 2020). Бироқ оғиз бўшлиғи паталогияси, жумладан, COVID – 19 билан оғриган беморларда парадонт паталогияси ҳам, асосан, катта ёшлилар контингентинида госпитализация давридагина ўрганилган (Tenforde M.W., 2020; Nehme M., 2021). Алоҳида нашрларда COVID – 19 билан касалланиш даврида болалардаги оғиз бўшлиғи ҳолати, шунингдек, COVID – 19 билан оғриган болалар оғиз бўшлиғи паталогияси терапиясида стоматологлар тактикаси тавсифланган.

COVID – 19 билан оғриган ёки уни бошдан кечирган беморларда парадонт ривожланиш хавфининг юқори бўлиши иккала паталогиянинг яллиғланиш механизмлари ривожланишининг бирлиги, иммун жавобнинг бузилиши ва қон ивишининг кучайиши билан боғлиқ [Marouf N,

20214841Coke CJ, 202141]. Пародонт патологияси ривожланишининг локал механизмларида молекулалар (ACE₂, фурин, катепсин, TMPRSS₂) вируснинг ўз рецепторлари ёрдамида пародонт тўқималари билан вирус ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро таъсирни таъминлаган ҳолда SARS-CoV-2нинг пародонт ҳужайралари ва оғиз шиллиқ қавати иммун ҳужайраларига кириб бориш механизмидаги иштирок эта олиш каби хусусияти муҳим аҳамият касб этади [Patel J, Woolley J 2021; Elisetti N.2021; Campisi G,2021; Jafer MA,2020]. Бу оғиз шиллиқ қаватининг пародонтопатоген микрофлоралар таъсирига мойиллигини оширади ҳамда пародонтнинг кенг кўламли шикастланишига олиб келади [Рыбовалов М.В., Павленко Т.А., 2022; Fernandes Matuck B., 2020; Badran Z., 2020]. Тахминларга кўра SARS-CoV-2 беморларнинг пародонтал чўнтакларида вируснинг ўзига тегишли бўлган рецепторлар ҳисобига пародонт тўқимаси билан тўғридан-тўғри ўзаро таъсирга киришган ҳолда кўпайиш хусусиятига эга [Patel J., Woolley J., 2021; Elisetti N., 2020; Campisi G., 2021; Jafer M.A., 2020].

Республикамизда стоматологик патология ва COVID – 19 ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилган. Улардан олинган натижаларга кўра COVID – 19 билан касалланган ва шу билан глоссалгия ташхиси қўйилган беморларда иммунитетнинг пасайиши фонида микробиоценоздаги ўзгаришлар ётади (Комилова А.З., Ибрагимова М.Х). COVID – 19 ни бошдан кечирган беморларда оғиз бўшлиғининг маҳаллий ҳимоя омилларини ўрганишдан олинган натижалар асосида COVID – 19 фонида тизимли васкулит мавжуд бўлган беморларда пародонт касалликларини ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Рустамова Д.А., Боймурадов Ш.А., Ризаев Ж.А.). COVID – 19 билан касалланган беморларда асосий интерферонлар – IFN – α ва IFN – γ нинг сезиларли даражада пасайиши ва оғиз бўшлиғида вирусга қарши маҳаллий ҳимоя шаклланишининг заифлашиши аниқланган (Жабборова Ф.У., Исмоилова А.А., Иноятов А.Ш.). Стоматологик касалликлар, жумладан, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт касалликларининг оғирлиги, учраш частотаси COVID – 19 билан касалланган ва сўлак беzi дисфункциясининг оғирлик даражаси бўлган беморларда сезиларли даражада юқорилиги аниқланган (Каюмова В.Р., Бекжанова О.Е.).

Шундай қилиб, эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, гингивитнинг оғирлик даражасини баҳолаш, унинг ковиддан кейинги ҳолат билан алоқаси ва уни даволаш усуллари ишлаб чиқиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Бу эса COVID-19 касаллигидан сўнг тикланиш даврида гингивит патологиясини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-2028 йилларга мўлжалланган 012400289–рақамли «Юз-жағ соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш» илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилди (2023-2024).

Тадқиқотнинг мақсади SARS-COV-2 инфекциясини бошдан кечирган болаларда гингивит профилактикаси ва комплекс терапиясининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик мактаб ёшидаги болаларда гингивитнинг тарқалганлик даражаси ва ривожланиш хавфига бошдан кечирилган COVID – 19 инфекциясининг таъсирини баҳолаш;

гингивитнинг турли оғирлик даражаси бўлган кичик мактаб ёшидаги болаларда постковид даврида альбуминнинг детоксикацион фаоллиги ҳамда аралаш сўлакнинг эндоген интоксикацияси даражасини қиёсий баҳолаш;

гингивитнинг турли оғирлик даражаси бўлган кичик мактаб ёшидаги болаларда постковид даврида аралаш сўлакнинг цитокинли мақомини аниқлаш;

постковид даврда болаларда гингивит ривожланиш хавфини башоратлаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда унинг прогностик қимматини белгилаш;

COVID – 19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда умумқабул қилинган терапия билан бир қаторда энтеросорбенти ва иммунитет рағбатлантирувчисини қўллаш орқали гингивитнинг комплекс терапияси самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022 йилнинг июнь ойидан 2024 йилнинг августигача бўлган даврда Тошкент давлат стоматология институти болалар терапевтик стоматология поликлиникасига консультация ва даволаниш учун мурожаат этган 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган 884 нафар бола олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб оғиз бўшлиғи шиллик қавати, пародонт тўқимаси, оғиз суюқлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда эпидемиологик, клиник, биокимёвий, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг янгилиги куйидагилардан иборат:

чуқурлаштирилган текширувлар асосида COVID – 19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда гингивитнинг учраш частотаси, оғирлик даражаси ҳамда гингивал милк қонаш тарқалганлик даражаси сони ортиб бораётганлиги аниқланган, болаларда гингивит ривожланишида бошдан кечирилган SARS-CoV-2 инфекциясининг этиологик улуши ҳамда юқори хавфи кўрсатилган;

COVID – 19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда гингивитнинг зўрайиши жараёнларида эндоген интоксикация жараёнлари иштирок этиши, аралаш сўлакда альбуминнинг сорбцион ва детоксикацион хусусиятлари камайиши исботланган;

COVID – 19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда гингивит ривожланишида қарши таъсир кўрсатувчи IL – 4 ва IL – 10 яллиғланишга қарши маркерлар концентрациясининг камайиши фонида IL – 6, IL – 1β ва TNF – α яллиғланиш олди цитокинлари маҳсулоти ортиб боришидан иборат бўлган яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбалансининг патогенетик роли кўрсатилган, ва постковид даврда болаларда гингивит ривожланиши устувор хавф омилларининг прогностик қиймати аниқланган;

COVID – 19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда гингивит ривожланишида умумқабул қилинган терапия таркибида энтеросорбенти ҳамда иммунитет рағбатлантирувчисини қўллаш орқали комплекс терапия самарадорлигини ошириш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин гингивит ривожланишининг юқори хавфи уларни хавф гуруҳига киритиш имконини беради ҳамда пародонт ҳолатини мониторинг қилиш зарурлигини белгилайди;

касаллик ривожланишини белгиловчи хавф омилларининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда постковид даврда болаларда гингивит ривожланиш хавфи ва унинг клиник кечиши оғирлик даражасини баҳолашнинг персонификацияланган методи ишлаб чиқилган;

SARS-CoV-2 инфекциясини бошдан кечирган болаларда эндоген интоксикация даражасини камайтирувчи, альбуминнинг детоксикацион ва сорбцион хусусиятларини оширувчи ҳамда аралаш тупукнинг цитокинли мақомини нормаллаштирувчи воситаларни қўллаш орқали комплекс терапия самарадорлиги оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, эпидемиологик, клиник, биокимёвий, статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда гингивит ривожланишида эндоген интоксикация жараёнларининг ортиб бориши, альбуминнинг сорбцион ва детоксикацион хусусиятлар камайиши ҳамда аралаш сўлакнинг яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбалансидан иборат бўлган бошдан кечирилган SARS-CoV-2 инфекцияси патогенетик механизмларининг таъсири белгиланганлиги ва бу даволашнинг стандарт схемасига қўшимча равишда сорбентлар ва иммуномодуляторларни қўллаш орқали комплекс терапия самарадорлигини ошириш зарурлигининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактаб ёшидан кичик болаларда бошдан кечирилган COVID – 19 инфекциясидан кейин гингивит ривожланишининг индивидуал хавфини баҳолаш ҳамда касаллик ривожланишининг патогенетик механизмлари ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволашнинг такомиллаштирилган комплекс усуллари патологияни ташхислаш, касалликни тўхтатиш ва ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган терапевтик ва профилактика чораларни ўз вақтида амалга ошириш ва шу орқали ташрифлар сони ва даволашга сарфланадиган вақтни камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича хулоса (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/19-сонли маълумотномаси) асосида:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда бирламчи стоматологик қабулда гингивитнинг частотаси ва оғирлиги ҳамда милк қон кетишининг тарқалиши ошганлиги аниқланган. Бу Самарқанд давлат тиббиёт университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 24 майдаги 9-сонли "COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда гингивитнинг олдини олиш ва комплекс даволаш усули" услубий тавсияномасида акс эттирилган. Мазкур янгилик 2023 йил 8 июлдаги 63-сонли буйруқ билан Тошкент шаҳар стоматология институти поликлиникаси ва Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: сўнгги 3 ой ичида COVID-19 ни бошдан кечирган кичик мактаб ёшидаги болаларда гингивитни комплекс даволашнинг ишлаб чиқилган усули пародонтнинг клиник ҳолатига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди: оғиз бўшлиғи гигиенаси ва пародонт ҳолати яхшиланди, қон кетиш индекси пасайди, шунингдек беморларнинг шикоятлари частотаси 35% га камайди. "Кичик мактаб ёшидаги болаларда ковиддан кейинги даврда пародонт яллиғланиш патологияси ривожланиш хавфини шахсий баҳолаш" дастури ишлаб чиқилди ва 2023 йил 17 ноябрда DGU 31914 рақамли патент олинди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: комплекс терапиядан фойдаланиш даволаш ва профилактика тадбирларини ўз вақтида ўтказишга ёрдам беради. Бир бемор учун иқтисодий кўрсаткич: COVID-19 ни бошдан кечирган болаларда гингивит белгиларини аниқлаш учун беморни стоматолог кўригидан ўтказиш талаб этилади (Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология поликлиникаси прејскурантига кўра, стоматолог маслаҳати нархи 65.000 сўм). Шундай қилиб, умумий иқтисодий самарадорлик 65.000 сўмни ташкил этади. Хулоса: ушбу жорий этиш бир бемор ҳисобига 65.000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: Ўрганилаётган беморларда альбумин даражаси ва аралаш сўлакнинг эндоген интоксикацияси даражасининг физик-кимёвий кўрсаткичлари бузилишининг патогенетик роли аниқланган. Бу Самарқанд давлат тиббиёт университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 24 майдаги 9-сонли қарори ҳамда "COVID-19 ни бошдан кечирган болаларда гингивит ривожланиш хавфини прогностлаш усули ва профилактика усуллари" услубий тавсияномасида тасдиқланган. Мазкур янгилик 2023 йил 8 июлдаги 63-сонли буйруқ билан Тошкент шаҳар стоматология институти поликлиникаси ва Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: COVID-19 ни бошдан кечирган кичик мактаб ёшидаги болаларда альбумин фаоллиги ва аралаш сўлакнинг эндоген интоксикацияси даражасини баҳолаш керак, чунки бу ушбу касаллик келтириб чиқарадиган асоратларни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Касаллик натижасида юзага келадиган альбуминнинг детоксикатсион

фаоллиги ва сўлакдаги эндоген интоксикация даражасидаги физик-кимёвий ўзгаришларни аниқлаш бир бемор ҳисобига 180.000 сўм иқтисод қилиш имконини берди. Хулоса: Бу ташрифлар сони ва даволаниш вақтини 2-3 баробарга қисқартириш ва ҳар бир бемор ҳисобига 180.000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: ўрганилаётган беморларда аралаш сўлак цитокин профилининг бузилишлари патогенетик роли, шунингдек, ковиддан кейинги даврда болаларда гингивит ривожланишининг устувор хавф омилларининг прогностик аҳамияти аниқланди. Бу натижалар " COVID-19 ўтказган болаларда гингивит ривожланиши хавфини прогноزلаш ва профилактика усуллари" номли услубий тавсияномаларда акс эттирилган. Мазкур тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 24.05.2024 йилда 9-сон билан тасдиқланган. Ушбу усул Тошкент стоматология институти поликлиникаси ва Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: COVID-19 ни бошдан кечирган кичик мактаб ёшидаги болаларда аралаш сўлакнинг цитокин профилини баҳолаш керак, чунки бу ушбу касаллик келтириб чиқарадиган асоратларни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Касаллик натижасида юзага келадиган аралаш сўлакдаги ситокин профилининг физик-кимёвий ўзгаришларини аниқлаш бир бемор ҳисобига 200.000 сўм иқтисод қилиш имконини берди. Хулоса: Бу ташрифлар сони ва даволаниш вақтини 2-3 баробарга қисқартириш ва ҳар бир бемор ҳисобига 200.000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

тўртинчи илмий янгилик: тасдиқланган даволаш схемаси анъанавий даволашга нисбатан юқори клиник самарадорликка эга эканлиги исботланган. Бу Самарқанд давлат тиббиёт университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 24.05.2024 йилдаги 9-сонли "COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган болаларда гингивитнинг олдини олиш ва комплекс даволаш усули" услубий тавсияномасида ўз тасдиғини топган. Ушбу усул Тошкент шаҳридаги Тошкент стоматология институти поликлиникаси ва Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси амалиётига татбиқ этилган. Ижтимоий самарадорлик: COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган кичик мактаб ёшидаги болаларда гингивитни даволаш сифати 30,05% га ошди. Тадқиқ қилинган даврда (3, 6, 12 ой) асосий гуруҳдаги беморларнинг 20 фоизида даволаш натижалари қониқарли деб топилган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил этди. Иқтисодий самарадорлик: Гингивитнинг оғирлик даражасига қараб қуйидаги дори воситалари қўлланилди: иммуностимулятор (300.000 сўм), энтеросорбент (135.000 сўм), милк учун яллиғланишга қарши гель (22.000 сўм), оғиз чайиш учун антисептик эритма (3.500 сўм). Ушбу препаратлар даволаш курси давомида ишлатилди. Харажатларнинг умумий миқдори 490.000 сўмни ташкил этди. Хулоса: Ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш иқтисодий харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Бу ташрифлар сони ва даволаниш вақтини 2-3 баробар қисқартириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та услубий тавсиянома, 7 та тезис ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«SARS-CoV-2 инфекцияси бўлган болаларда гингивит этиопатогенези, хавф омиллари»** деб номланган биринчи боби бешта кичик боблардан иборат бўлиб, унда маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлар асосида болаларда гингивит этиологияси ва эпидемиологияси ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари, шунингдек, уни келтириб чиқарувчи омилларнинг ўрни таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. SARS-CoV-2 инфекцияси бўлган болаларда ушбу стоматологик патологияни даволашнинг замонавий методлари изоҳланиб, пародонт патологияси ва SARS-CoV-2 инфекциясининг коморбид ассоциациялари механизми тавсифланган, бошдан кечирилган COVID – 19 мактаб ёшидан кичик болаларда пародонт патологияси ривожланишининг хавф омилли бўлиши мумкинлиги асосланган, ушбу патологияга доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқ этилган материал характеристикаси ва биологик материални текширишга замонавий ёндашувлар»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, гингивит билан оғриган кичик ёшдаги беморларни даволаш самарадорлиги даражалари, шунингдек, тадқиқотнинг эпидемиологик, клиник, биокимёвий, статистик методлари кўрсатилган.

Тошкент давлат стоматология институти болалар терапевтик стоматология поликлиникасига 2022 йилнинг июнь ойидан 2024 йилнинг августига қадар бўлган даврда консултация ва даволаниш учун мурожаат этган 6–12 ёш диапазондаги 884 нафар (шундан 426 нафари COVID – 19ни

бошдан кечирган ҳамда 458 нафари илгари коронавирус билан оғримаган) мактаб ёшидан кичик болалар тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқотда анамнезида SARS-CoV-2 инфекцияси билан шикастланган ва охириги тест текшируви ўтказилганига 12 ҳафтадан камроқ вақт ўтган 884 нафар бола иштирок этди. SARS-CoV-2 га тест, ПЗР ёки SARS-CoV-2 антитанасига тест текшируви бошдан кечирилган COVID – 19нинг исботи бўлиб хизмат қилди. Ота-оналарнинг маълумоти, оиланинг иқтисодий даражаси, стоматологик ёрдамнинг кўрсатилиши ва хулқи болаларда гингивит ривожланишининг комбинацияланган омили бўлиб ҳисобланди. Парадонт патологиясининг полиморбидлигини ҳисобга олган ҳолда асосий гуруҳ (COVID – 19ни бошдан кечирган болалар) ҳамда назорат гуруҳи (инфекцияга чалинмаган болалар) жинси, ёши, яшаш региони, ота-оналарининг маълумоти, оғиз бўшлиғи гигиенасига амал қилиш ҳамда шакар ва ширин маҳсулотлар истеъмоли даражаси, шунингдек, стоматолог ҳузурига ташриф буюриш частотасига кўра рандомизацияланди.


Инсон ҳуқуқлари бўйича Женева конвенцияси (1997) ва Бутунжаҳон тиббиёт ассоциациясининг Хельсинкски декларациясига (2000) мувофиқ текширишларни бошлашдан олдин амбулатор ёрдам сўраб мурожаат этган болаларнинг ота-оналари билан тадқиқотнинг мақсади ҳамда режалаштирилаётган манипуляциялар тўғрисида суҳбат ўтказилди. Тадқиқотга жалб қилиш ёки истисно этиш мезонлари ушбу суҳбатлар давомида батафсил баён этилди. Вояга етмаган беморларнинг ота-оналари ва/ёки қонуний вакилларида тадқиқотда иштирок этиш учун ихтиёрий хабардор қилинган розилик хати олинди.

Қуйидагилар тадқиқотга жалб этиш мезонлари бўлиб ҳисобланди: болаларга хос кичик ёш, ковидни бошдан кечирганлик, гингивитнинг аниқланиши.

Истисно этиш мезонлари: парадонт патологиясининг тарқалиш даражаси ва интенсивлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган соматик патологиянинг зўрайиши, қандли диабет ва сурункали соматик патология, болаларнинг ота-оналари томонидан тадқиқотда иштирок этишнинг рад этилиши, шунингдек, аралаш сўлакни ишлаб чиқарилишига таъсир кўрсатувчи сурункали тизимли патологиянинг зўрайиши (қандли диабет, ревматоидли артрит, Даун ва Шегрен синдромлари). Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ўткир юқумли касалликлари (герпетик стоматит, кандидоз СОПР) бўлган болалар ҳам тадқиқотдан чиқарилди.

Назорат гуруҳларининг бир таркиблилиги тадқиқот натижаларини таққослаш ҳамда асосланган хулосаларни чиқариш имконини берди. Назорат гуруҳлари ёш ва сурункали соматик патология таркибига кўра бир хил бўлди.

Жинсга кўра таҳлиллар шуни кўрсатдики, Тошкент давлат стоматология институтининг клиникасига стоматолог ёрдамини сўраб мурожаат этган 122 нафар беморнинг 56,7% – ўғил болалар ва 43,3% – қиз болалардир (1-расм).



1-расм. Беморларнинг гендер белгисига кўра тақсимланиши.

Даволаш ишлари бошлангунга қадар барча болалар гингивит мавжудлигига текширилди. Ташхис тасдиқланганидан кейин болалар оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенасини олишди ва оғиз бўшлиғини гигиеник парваришлаш қоидаларига ўргатилди. Тиш тошлари ва карашларини олиб ташлаш учун барча болаларда тишларни профессионал тозалаш амалга оширилди. Болаларга бир кунда икки маҳал икки минутдан ва бир маҳалида тиш учун мўлжалланган иплардан фойдаланиб тишларни ювиш қоидалари ўргатилди. Ширинликлар ёки таркибида углевод сақловчи таом истеъмолидан кейин тишларни ювиш тавсия этилди.

Гингивитнинг тарқалганлик даражасини баҳолаш ЖССТнинг эпидемиологик тадқиқотлар учун милклар қонашининг тарқалганлик даражасини баҳолаш бўйича берилган тавсияларга мувофиқ амалга оширилди. Айнамо ва Бэем томонидан тавсифлаб берилган қонашнинг милк индекси (GBI) (Ainamo and Bay, 1976) милк тўқималари юмшоқ зондланганда қонашнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳисобга олади.

Парадонтда гигиена ҳамда яллиғланиш жараёнининг даражасини индексли баҳолаш амалга оширилди ва шу мақсадда қуйидагилардан фойдаланилди: ОНІ-S гигиеник индекси (J.C.Green, J.R.Vermillion, 1964), комплекс периодонтал индекс (КПИ) (П.А.Леус, 1988), папилляр-маргинал-альвеоляр индекс (РМА) (Massler M., Shour I., 1947), Мюллеман–Саксер бўйича қонаш индекси (РВІ, 1975), гингивал индекс (GI) (Loe and Silness, 1967).

Тадқиқотда 20 та тиши бор, соғлом парадонтли, гингивитнинг турли даражаси билан касалланган болалар иштирок этди.

Анамнезда COVID – 19 нинг мавжудлиги мусбат ПЗР-тести, шунингдек, текширилаётганларнинг қонида SARS-CoV-2га антиген ёки антитана аниқланганда серологик жиҳатдан тасдиқланди. Шунингдек, аралаш тупукнинг эндоген интоксикацияси ҳамда цитокинли мақоми баҳоланди.

Диссертациянинг «**Парадонт шикастланишининг клиник ҳолати ва патогенетик механизмлари, SARS-CoV-2 инфекциясини бошдан кечирган мактаб ёшидан кичик болаларда гингивит терапиясининг самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида клиник тадқиқотдан олинган

натижалар батафсил баён этилган. Ушбу боб иккита кичик боблардан иборат. Дастлаб оғиз бўшлиғи патологияси бўлган беморларнинг шикоятлари таҳлил қилинди ва унда гипосаливацияга хос шикоятлар устунлик қилиши белгиланди, қиёсий таҳлиллар ковиддан кейинги даврда болаларда шикоятларнинг ишончли ошишини кўрсатди ($P \leq 0,01$). Унга кўра COVID – 19ни бошдан кечирган болаларнинг 20,19% ида оғиз бўшлиғининг қуришидан шикоят бўлгани ҳолда ушбу кўрсаткич ковид билан оғримаган болаларда 3,28% ни ташкил этди ($\chi^2=62,383$; $P \leq 0,001$); ковиддан кейинги даврдаги болаларнинг 21,60% ида ҳамда ковид бўлмаган болаларнинг 3,06% ида чайнашга қийналишдан шикоят қайд этилди ($\chi^2=71,885$; $P \leq 0,001$); таъм сезиш бузилишининг мос ҳолдаги нисбати 14,55% қарши 4,37% ни ташкил этди ($\chi^2=27,217$; $P \leq 0,001$); ҳид билишнинг пасайиши мос ҳолда 12,91% қарши 1,31% бўлди ($\chi^2=46,235$; $P \leq 0,001$); оғиз бўшлиғи ва лабаларнинг шиллик қаватида оғриқлилиқ ҳисси – 4,46% қарши 1,53% га ($\chi^2=6,45$; $P \leq 0,001$); гиперемия ва милкларнинг қонаши – 10,09% қарши 3,71% га ($\chi^2=14,209$; $P \leq 0,001$); тилдаги шиш – 1,88% қарши 0,22% га ($\chi^2=6,032$; $P \leq 0,017$) ҳамда лабларнинг шишиши – 2,58% қарши 0,44% га ($\chi^2=7,012$; $P \leq 0,008$). Шикоятларнинг бундай частотаси, шубҳасиз, ковиддан кейинги даврда стоматологик патологияларнинг жуда кенг тарқалганлиги ҳамда интенсивлигидан далолат беради.

Кўриқдан ўтказилганларнинг барчасида энг катта солиштирма оғирлик ковиддан кейинги даврдаги беморларнинг 36,85% ида ва ковид билан оғримаган болаларнинг 11,57% ида аниқланган катарал гингивитга тўғри келди ($\chi^2=77,891$; $P \leq 0,001$); гипертрофик гингивитнинг аналогик нисбати 14,08% қарши 3,49% ни ташкил этди ($\chi=31,505$; $P \leq 0,001$); ярали-некротик гингивит мос ҳолда 12,44% қарши 2,84% бўлди ($\chi^2=29,460$; $P \leq 0,001$); парадонтит тарқалганлигининг қиёсий таҳлили эса шуни кўрсатдики, у COVID – 19 билан оғриган болаларнинг 11,50% ида ҳамда оғримаганларнинг атиги 2,40% ида қайд этилди ($\chi^2=28,893$; $P \leq 0,001$).

Шундай қилиб, COVID – 19 билан оғриган мактаб ёшидан кичик болаларда, умуман олганда, парадонт паталогияси турли нозологик шаклларининг тарқалиш даражаси ишончли ортиб бораётганлиги қайд этилди ($P \leq 0,001$).

Парадонт паталогияси кечишининг оғирлик даражасини баҳолашда гигиена даражаси ва яллиғланиш оғирлигининг индексли баҳоси жуда муҳим аҳамият касб этади.


1-жадвал

Тошкент шаҳридаги мактаб ёшидан кичик болаларда постковид даврда парадонт ҳолатининг индексли кўрсаткичлари


Ёш (йил)	Соматик мақом	ОHI-S индекси	РМА индекси, %	Қонашнинг РВI индекси	Гингивал индекс (GI)
6 ёш	Постковид давр	1,25 ± 0,1	32,41 ± 1,56	1,2 ± 0,09	1,32 ± 0,08

	Касалга чалинмаганлар	0,62±0,05	15,65±0,85	0,54±0,07	0,61±0,07
7 ёш	Постковид давр	1,35 [*] ±0,1	32,41 [*] ±1,66	1,41 [*] ±0,09	1,71 [*] ±0,07
	Касалга чалинмаганлар	0,77±0,05	17,32±0,96	0,61±0,07	0,72±0,07
8 ёш	Постковид давр	1,44 [*] ±0,08	41,25 [*] ±1,97	1,56 [*] ±0,13	2,02 [*] ±0,11
	Касалга чалинмаганлар	0,8±0,07	21,08±1,01	0,82±0,08	0,98±0,1
9 ёш	Постковид давр	2,01 [*] ±0,11	46,31 [*] ±2,49	1,92 [*] ±0,12	2,31 [*] ±0,17
	Касалга чалинмаганлар	1,21±0,1	23,62±1,35	0,94±0,1	1,11±0,1
10 ёш	Постковид давр	2,41 [*] ±0,14	48,52 [*] ±2,67	2,14 [*] ±0,11	2,62 [*] ±0,15
	Касалга чалинмаганлар	1,35±0,11	25,03±1,23	1,02±0,11	1,21±0,12
11 ёш	Постковид давр	3,05 [*] ±0,2	51,25 [*] ±2,55	2,34 [*] ±0,15	2,77 [*] ±0,21
	Касалга чалинмаганлар	1,62±0,13	28,32±1,32	1,14±0,1	1,35±0,11
12 ёш	Постковид давр	3,41 [*] ±0,23	53,42 [*] ±2,63	2,53 [*] ±0,14	3,02 [*] ±0,18
	Касалга чалинмаганлар	1,88±0,15	21,41±0,16	1,22±0,1	1,47±0,14
Жами	Постковид давр	2,11 [*] ±0,07	43,41 [*] ±0,93	1,86 [*] ±0,05	2,23 [*] ±0,06
	Касалга чалинмаганлар	1,16±0,04	21,64±0,44	0,88±0,04	1,05±0,04

* p<0,05 касалга чалинмаганларга нисбатан.



2-расм. COVID – 19 билан оғриган ва оғримаяган мактабгача ёшдаги болаларда гингивит тарқалганлигининг қийсий таҳлили, %



3 – расм. Тошкент шаҳридаги кичик мактаб ёшидаги болаларда ковиддан кейинги пародонт ҳолатининг индекс кўрсаткичлари (касал бўлмаганларга нисбатан %)да)

Оғиз бўшлиғи патологиясининг оғирлик даражаси популяцияда оғиз бўшлиғи гигиенаси сифати ҳамда пародонт тўқимасининг ҳолати билан корреляцияланади. Бошдан кечирилган COVID – 19 билан пародонт патологияси ўртасидаги ўзаро алоқани баҳолаш учун оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси баҳоланди. Унга кўра ковиддан кейинги даврдаги болаларда ОHI-S индекси катталиги барча текширилган ёш гуруҳларида аналогик контингентдаги ковид билан оғримаяган болалар кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада юқорилиги белгиланди. Шундай қилиб, 6 ёшдаги текширилганларда ОHI-S индекси катталиги COVID – 19 билан оғриганларда назорат гуруҳидаги аналогик даражадан 87,32% га ошди ($P \leq 0,001$); 7 ёшлилар гуруҳида кўрсаткичнинг аналогик ошиб кетиши 101,61%

ни ташкил этди ($P \leq 0,001$); 8 ёшлилар гуруҳида – 75,32% ($P \leq 0,001$); 9 ёшлиларда – 66,12% ($P \leq 0,001$); 10 ёшлиларда – 78,52% бўлди ($P \leq 0,001$).

Ишлаб чиқилган кўп сонли регрессиялар тенгламаси асосида «Мактаб ёшидан кичик болаларда ковиддан кейинги даврда парадонтнинг яллиғланиш патологияси ривожланиш хавфини персонификацияланган баҳолаш» компьютер дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур мактаб ёшидан кичик болаларда ковиддан кейинги даврда парадонтнинг яллиғланиш патологияси ривожланиш хавфини персонификацияланган баҳолашни амалга ошириш имконини беради. Олинган натижалар асосида постковид даврда болаларда парадонт патологиясини даволашга йўналтирилган индивидуал даволаш-профилактик чораларининг ишлаб чиқилишига имконият яратилади.

Сўлакдаги альбумин ўзида қон зардобининг оғиз суяқлигидаги ультрафилтратини ифодалайди. Сўлакдаги альбумин таркиби яллиғланиш жараёнининг оғирлик даражаси маркери ҳисобланади.


Тадқиқотдан олинган натижалар гингивитли болаларнинг барчасида альбумин даражасининг назорат гуруҳи (соғлом парадонт) га нисбатан ишончли катталашганлигини кўрсатди ($P \leq 0,05$). Альбуминнинг умумий концентрацияси (АУК) COVID – 19 билан оғримаган гингивитли соғлом болалар аралаш сўлагида (назорат гуруҳи) $332,44 \pm 16,21$ мкг/мл қарши $460,21 \pm 20,02$ мкг/мл ($P \leq 0,001$) ҳамда постковид даврдаги болаларда $670,21 \pm 30,85$ мкг/мл ($P \leq 0,001$)ни ташкил этди (1-жадвал, 4-расм). Гингивитли болаларда альбуминнинг самарали концентрацияси (АСК) ва альбуминнинг сорбцион хусусияти (АСХ) COVID – 19 билан оғриб тузалган болаларда сезиларли даражада ишончли пасайганлиги аниқланди. COVID – 19 билан оғримаган гингивитли болаларда АСК 14,89% га камайган ($P \leq 0,05$); COVID – 19 билан оғриб тузалган болаларда бу кўрсаткич яна ҳам аҳамиятли даражада – 27,06% га камайган ($P \leq 0,05$); АСХнинг мос ҳолдаги камайиши 39,39% ($P \leq 0,001$) ва 69,95% ни ташкил этди ($P \leq 0,001$).

2-жадвал

Постковид даврдаги гингивитли болаларда аралаш сўлакдаги эндоген интоксикация кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Соғлом болалар (назорат)	Гингивитли болалар:	
		COVID – 19 билан оғримаганлар	Постковид даврда
МСМ ш.б. 254	$0,232 \pm 0,01$	$0,270 \pm 0,01^*$	$0,460 \pm 0,02^{*\vee}$
МСМ 280 ш.б.	$0,271 \pm 0,01$	$0,330 \pm 0,014^*$	$0,430 \pm 0,02^{*\vee}$
АУК мкг/мл	$332,44 \pm 16,21$	$460,21 \pm 20,02^*$	$670,21 \pm 30,85^{*\vee}$
АСК мкг/мл	$302,21 \pm 15,32$	$257,21 \pm 2,61^*$	$190,20 \pm 8,65^{*\vee}$
АСХ, %	$90,91 \pm 3,65$	$55,10 \pm 2,33^*$	$27,32 \pm 1,22^{*\vee}$
ИТ	$0,105 \pm 0,01$	$0,81 \pm 0,50^*$	$3,60 \pm 0,17^{*\vee}$
КИ ₁	$7,43 \pm 0,34$	$10,02 \pm 0,48^*$	$27,08 \pm 1,19^{*\vee}$
КИ ₂	$8,78 \pm 0,41$	$12,44 \pm 0,60^*$	$23,02 \pm 1,12^{*\vee}$

Изоҳ: • – $P < 0,05$ назоратга нисбатан; √ – $P < 0,05$ ковид билан оғримаганларга нисбатан.



4-расм. Гингивит билан касалланган болаларда COVID-19 кейинги даврда аралаш сўлакнинг эндоген интоксикацияси кўрсаткичлари (назоратга нисбатан % да)

